

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни электротехника саноатини янги босқичга олиб чиқиш ва рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда электротехника тармоғини ривожлантириш, қўшилган қиймати юқори махсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Натижада соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилдаги 4,7 триллион сўмдан 43,1 триллион сўмга етди, экспорт 1 миллиард доллардан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистон электротехника махсулотлари 65 та давлатга етказиб берилмоқда.

Тармоқда махсулотлар таркиби ҳам ўзгармоқда. Мисдан тайёрланаётган махсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва экспорти ортди, паст қийматли махсулотларнинг улуши эса сезиларли камайди. Машиий техника бўйича ички талабнинг 80 фоизи маҳаллий махсулотлар ҳисобидан қопланмоқда, ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг 30 фоизи экспорт қилинмоқда. Қўйш панеллари, юқори кучли ишчи кабеллар, электромобилларни қувватлаш станциялари, вакуум ўчиргичлар, юқори кучли ишчи ажраткичлар, ис-сиклик насослари каби юзлаб янги турдаги махсулотлар ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг етти ойида тармоқда 30 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди, 706 миллион долларлик экспорт таъминланди. 148 мил-

лион долларлик 16 та лойиҳа ишга туширилиб, 1,2 мингта иш ўрни яратилди. Йил якунигача 51 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш, экспортни 1,6 миллиард долларга етказиш, 420 миллион долларлик 67 та лойиҳани ишга тушириш вазифаси белгиланган.

Тақдимотда 2030 йилгача электротехника ва унга ёндош саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини 11 миллиард долларга, экспортни 5 миллиард долларга етказиш, 3 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, мисга қўшилган қийматни 35 фоизга олиб чиқиш режалари қўриб чиқилди.

Бунинг учун юртимизда зарур хомашё базаси ва бозор мавжуд. Йилига 150 минг тоннадан ортиқ мис катоди ишлаб чиқарилмоқда, янги қувватлар ҳисобига мазкур кўрсаткич 300 минг тоннага етказилади. Шунингдек, 15 гигаваат қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бу электротехника махсулотлари учун йилига 500 миллион долларлик буюртма бозорини шакллантиради.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши зарур масалалар ҳам бор. Айрим корхоналарда айланма маблағ учун кредит олишда гаров таъминоти етишмаяпти, мис хомашёсини биржа

орқали харид қилишда қўлай молиявий инструментлар талаб этилмоқда, йирик халқаро брендларни жалб этиш учун кафолатланган механизмларни кенгайтириш зарур. Аҳоли уй-жойлари қурилиши ортб бораётгани ҳам электротехника махсулотларига талабни оширмоқда.

Шу муносабат билан тармоқ корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар таклиф этилди. Жумладан, мис хомашёсини харид қилишда тўловнинг 25 фоизини корхоналар, қолган 75 фоизини "Ўзсаноатэкспорт" АЖ амалга оширади. Корхоналар ушбу маблағни 90 кун ичида йиллик 6 фоизгача ставкада қайтаради. Бу мақсадлар учун 50 миллион доллар ресурс йўналтирилади.

Эндиликда кредитлар бўйича экспорт шартномалари, суғурта полислари каби бошқа таъминот турларини ҳам қабул қилиш имконияти яратилади. Инвестиция лойиҳаларига миллий ва хорижий валютада ажратилган кредитларнинг бир қисми уч йил давомида қоплаб берилди.

Камида 50 миллион доллар сармоя киритадиган йирик халқаро бренд компанияларига солиқ имтиёзлари тақдим қилиниб, инфратузилмага эга тайёр бинолар таклиф этилди. Электротехника

саноати корхоналари учун солиқ ва боғхона имтиёзлари муддатини 2030 йилгача узайтириш, ёндош маҳаллий саноат корхоналарини ҳам қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда.

Экспортни кенгайтириш мақсадида хорижий бозорларда савдо омборлари ташкил этиш, махсулотларни сертифицирлаш ва ташқи бозорларга чиқариш жараёнларини энгиллаштириш чоралари қўрилади. Шунингдек, Афғонистон, Мўғулистон, Қозоғистон ва Ироқ бозорларига комплекс технологик ечимлар экспортини кенгайтириш имкониятлари қўриб чиқилди.

Тармоқда инновация ва илмий-тадқиқот ишларини қулайтириш учун Тўртинчи саноат инқилоби илмий-тадқиқот ва инновация марказини ташкил этиш таклиф қилинди. Марказ янги махсулотларни рақамли моделлаштириш, синовдан ўтказиш, маҳаллийлаштириш, прототиплар тайёрлаш ва корхоналарга инжиниринг хизматлари кўрсатиш билан шуғулланади.

Президентимиз мутасаддиларга электротехника саноатида қўшилган қийматни ошириш, юқори технологик махсулот ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий корхоналарни глобал қиймат занжирларига олиб кириш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2026 йилнинг 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди.

Ўн тўққизинчи ялпи мажлиснинг биринчи иш кунини сенаторлар "Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тилининг халқаро майдондаги нуфузи ортб бораётгани қайд этилди.

Қонун билан "Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси ўрнига 28 та ҳарф ва 1 та тутқуқ белгисидан ташкил топишини назарда тутувчи тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, янги таҳрирдаги алифбога ўтиш жараёнида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини инобатга олиш мақсадида қонун кучга киргунига қадар амалдаги алифбо асосида расмийлаштирилган ҳужжатлар, миллий валюта ва қимматли қозғоларнинг муомалада бўлишига тўсқинлик қилинмаслиги белгиланмоқда. Давлат органлари ва ташкилотларининг айрим рамзий белгилари, пешлаваҳ ва кўрсаткичлардан эса улар яроқсиз ҳолатга келгунига қадар ёки белгиланган муддатгача фойдаланишга рухсат берилди.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини такомиллаштириш, давлат тилидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ўзбек тилини рақамлаштириш жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг 19-ялпи мажлисида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда рақобатни ривожлантириш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қонун билан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига товардаги нуқсонларни унинг ташқи қўринишидан аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда товар сифатини қўшимча равишда текширишнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек, текширишнинг тартиби ва муддати, истеъмолчининг ушбу жараёнда иштирок этишини ҳамда текширишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаб бериш тартиби ҳам белгиланмоқда.

Товардаги нуқсонлар у истеъмолчиға реализация қилинганидан кейин, товарни саклашнинг ёки ундан фойдаланишнинг белгиланган қоидалари бўзилганлиги сабабли ёҳуд учинчи шахсларнинг харажатлари туфайли юзага келганлигини товарнинг ташқи қўринишиға қараб аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, товарнинг сифати қўшимча равишда текширилиши жорий этилмоқда.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маданий меросни асраб-авайлаш, музей ишини ривожлантириш ва Ўзбекистон маданиятини халқаро майдонда тарғиб қилиш бўйича келгуси ишлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тарихий меросни асраб-авайлаш, ёдгорликларни реставрация қилиш, музейларни модернизациялаш ва халқаро маданий ҳамкорликни кенгайтиришга эътибор изчил кучаймоқда. Бу ишлар гуманитар сиёсатнинг муҳим йўналиши, миллий ўзлиқни мустаҳкамлаш ва Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлигини ошириш омиллиға айланмоқда.

ЮНЕСКО йўналишида эришилган натижалар алоҳида қайд этилди. Бутунжаҳон мероси қўмитасининг 48-сессиясида Ўзбекистоннинг "Тошкентнинг модернизм меъморчилиги: Марказий Осиё замонавийлиги ва аъённаларини" миллий номинацияси Бутунжаҳон мероси рўйхатиға киритилди. Ўзбекистон XX аср модернизмиз меъморлиги мероси бундай макомға эға бўлган Марказий Осиё ва МДХдаги биринчи давлат бўлди. Номинация

таркибига Тошкент шаҳридаги 10 та муҳим объект киритилди. Бу сўнгги 25 йилда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатиға биринчи миллий киритилиши бўлди.

Фаол сиёсий-дипломатик ишлар натижасида "Қуёш" гелиомажмаси Бутунжаҳон мероси объекти таркибига дақлаб қилинди.

Янги халқаро мақом Тошкентнинг меъморлиги меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маданий туризмни ривожлантириш, тадқиқотчилар, меъморлар ва халқаро экспертларни жалб этиш учун қўшимча имкониятлар яратди. Шу муносабат билан пойтахтнинг модернизм меъморчилигини асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бўйича 2026-2030 йилларға мўлжалланган Давлат дастурини амалға ошириш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЧИҚИНДИЛАРДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, уларни қайта ишлаш ва электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, машиий чиқиндиларни қайта ишлаш ва полигонларға юқламани камайтириш бўйича изчил ишлар амалға оширилмоқда. Мазкур йўналишда замонавий технологияларни жорий этиш, чиқиндиларни иқтисодий ресурсға айлантириш ва циркуляр иқтисодиёт таъмоийлиларини кенг тартиб қилиш муҳим аҳамиятға эға.

Шу мақсадда 2026-2027 йилларда чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича 6 та инвестиция лойиҳасини амалға ошириш белгиланган. Уларнинг умумий қиймати 933 миллион долларни ташкил этади. Лойиҳалар Хитой компаниялари билан ҳамкорликда амалға оширилмоқда.

1 сентябрь ҳолатига кўра, ушбу лойиҳалар доирасида 286,8 миллион доллар инвестиция ўзлаштирил-

ган. Маҳаллий махсулот ва хизматлар хариди 76,6 миллион долларға етган. Қурилиш ишлариға 2 минг нафар маҳаллий ишчи жалб этилган.

Лойиҳалар Қашқадарь, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида амалға оширилади. Қашқадарь ва Самарқанддаги заводларни 2026 йилда, қолган ҳудудлардаги қувватларни 2027 йилда ишға тушириш режалаштирилган.

Корхоналар тўлиқ ишға тушган, йилиға 3,6 миллион тонна қаттиқ машиий чиқинди қайта ишланади ҳамда 1,6 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шу билан бирға, "ноль чиқинди" таъмоийлиға босқичма-босқич ўтиш, полигонларға юқламани камайтириш ва экологик вазиятни яхшилаш имкони кенгайди.

(Давоми 2-бетда).

Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Швецяннинг Ўзбекистондаги элчиси Мартин Розен ҳамда Финляндиянинг Ўзбекистондаги элчиси Йоханна Мария Ёрген билан учрашди.

Сухбат чоғида Ўзбекистоннинг Финляндия ва Швеция билан дўстона муносабатларини янада ривожлантириш, парламентларо ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, таълим ва кадрлар тайёрлаш, рақамли технологиялар, сув ресурсларини бошқариш ва экология соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш, таҳлил марказлари ўртасидаги ҳамкорликни қулайтириш ҳамда "Марказий Осиё — Шимолӣ Европа" форматидаги мулоқотни давом эттириш муҳимлиги айтилди.

Учрашув якунида парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари ва парламент қўмиталари ўртасида мунтазам мулоқотни фаоллаштириш, парламент назоратини амалға ошириш бўйича тақриба алмашини, шунингдек, Парламентларо Иттифоқ ва ЕХХТ Парламент Ассамблеяси доирасидаги алоқаларни қулайтиришға келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Хукумат соати

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЯНАДА ОСОНЛАШМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси ташаббуси билан навбатдаги "Хукумат соати" бўлиб ўтди.

йилларда ушбу йўналишда бюрократияни қисқартиришға қаратилган 10 та фармон ва қарор қабул қилинди.

Хусусан, жорий йилдан давлат бошқаруви ни рақамли трансформациялаш ва самарадорлигини оширишға қаратилган "Бюрократияни бартараф этиш — 2030" дастури ишға туширилди. Дастур доирасида давлат хизматларини тез ва қулай олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Бу орқали ортиқча тартиб-таомиллар қисқартирилиб, жараёнлар очиқ ва шаффоф бўлиши таъминланмоқда.

Вазирнинг сўзларига кўра, 2025 йилда 184 520 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, амалға оширилаётган ислохотлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида мазкур кўрсаткич 232 420 тани ташкил этиб, 21 фоиз ошган.

2026 йил 1 январидан бошлаб "Бизнесни 15 дақиқада бошлаш"

таъмоийли асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жорий этилгани боис тадбиркор бизнесини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда ҳисоб рақам очиш, электрон имзо, лицензия ва рухсатнома олиш, виртуал касса машиналарини солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш каби хизматлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имкониятиға эға бўлди.

Лицензия ва рухсатномалар олиш жараёнларини энгиллаштириш мақсадида 161 та лицензия ҳамда рухсат бериш талаблари бекор қилинди. Шунингдек, 115 та лицензия ва рухсат бериш хусусиятиға эға ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари янада соддалаштирилди.

"Лицензия" ахборот тизими ишға туширилгач, ушбу тизим орқали сўнгги 5 йил ичида қарийб 1,8 миллиондан ортиқ лицензия ва рухсатномалар берилди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг лицензия ва рухсатномаларни олиш билан боғлиқ 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағлари иқтисод қилинди.

Уч ойгача ўтиш ва мослашини даврини белгилайдиган "Бизнесға лицензиясиз кириш" махсус режими жорий этилгани тадбиркорларға янги фаолиятни тезроқ

ҳамда осонроқ бошлаш имконини бермоқда.

Электрон давлат хизматларини ривожлантириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, 2017 йилда 37 турдаги давлат хизмати кўрсатилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 600 тадан, Яғона порталда 900 тадан, кўрсатилган хизматлар сони эса 50 миллиондан ошди.

"Хукумат соати"да давлат хизматларини кўрсатиш соҳасиға сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Вазирнинг маълум қилишича, рақамлаштириш натижасида 28 турдаги хизматларни реал вақт режимида олиш имконияти яратилди. Бугунги кунда йилиға 11 миллионға ақин хизматлар автоматик равишда кўрсатилмоқда. Шунингдек, 24/7 режимида давлат хизматлари соҳасидаги саволларға жавоб бериш учун "Odil AI" сунъий интеллект модели жорий қилинди.

"Лицензия" ахборот тизими ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тизимида сунъий интеллект ёрдамида маълумот ҳамда маслаҳат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон — Сербия: АГРОСАНОАТ РИВОЖИДА СТРАТЕГИК БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сербия Республикасида амалға оширган расмий таширифи икки томонлама муносабатларни мутлақо янги босқичға, стратегик шериклик даражасиға олиб чиқди. Ваҳоланки, икки мамлакат ўртасида қарийб ўттиз икки йил дипломатик алоқалар расман мавжуд бўлса-да, улар, асосан, халқаро ташкилотлар доирасидаги қисқа учрашувлар билан чекланиб қолганди. Бугун эса вазият бошқача: ўзаро алоқалар янги мазмун билан янада мустаҳкамланди.

Муносабат

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг формати кенг: биз дунёға, дунё эса бизға очилди. Сербия каби минтақавий "ўсиш нуқталари" юқори бўлган давлат билан стратегик алоқаларнинг ўрнатилиши мамлакатимизнинг дунё иқтисодиёти ҳамда сиёсатидаги ўз ўрнини диверсификация қилаётганини кўрсатади. Бу — географик узоқлик иқтисодий яқинликка тўсиқ эмас, деган прагматик таъмоийнинг исботидир.

Сербия Болқон яриморлининг марказида жойлашган ва Европа Иттифоқи бозорларига чиқиш учун қулай

қўприк ҳисобланади. Президент таширифи Ўзбекистонға нафақат Сербия билан, балки у орқали бутун Жанубишарқий Европа билан иқтисодий ҳамда логистик боғланиш нуқтасини яратди. Бу — транспорт йўлакларини диверсификациялаш ва экспорт географиясини кенгайтириш учун стратегик юришдир. Қўп ҳолларда илк таширфлар танишув характерида бўлади. Аммо Президентимизнинг биринчи таширифидаёқ муносабатлар стратегик шериклик даражасиға кўтарилгани ва салмоқли ҳужжатлар пакети имзолангани икки томоннинг ҳам мақсадлари аниқ ҳамда прагматик эканини исботлади.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, ЮНЕСКОнинг Бутун-жаҳон мероси рўйхатиغا киритиш учун “Зомин тоғлари” табият объект-и номинациясини тайёрлаш маса-ласи ҳам кўриб чиқилди. Ушбу ҳудуд Зомин давлат кўрмиқхонаси ва Зомин миллий табият боғини қам-раб олиб, қимматли арча ўрмонла-ри ҳамда ноёб хайвонлар ва қуш-лар яшаш маконларига эга ягона тоғ табийи мажмуасини ташкил эта-ди.

Тақдимотда Ўзбекистон Респу-бликасининг ЮНЕСКО ишлари бўйи-ча Миллий комиссияси котибяти фаолиятини такомиллаштириш ма-салаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Котибятнинг ЮНЕСКОнинг ижодий шаҳарлар тармоғи, таълим берув-чи шаҳарлар тармоғи, ассоциация-лашган мактаблар тармоғи, ЮНЕС-КО кафедралари, ассоциациялар ва клублар, шунингдек, глобал геопар-клар тармоғида мамлакатимиз иш-тирокни мувофиқлаштириш функ-цияларини кенгайтириш тақлиф этилмоқда.

Маданий мерос соҳасидаги ама-лий ишларга алоҳида эътибор қар-тилди. Сунгги йилларда маданий мерос объектларини реставрация қилиш учун давлат бюджетидан 466,4 миллиард сўм маблағ йўнал-тирилди. 305 та лойиҳа-смета ҳуж-жати тайёрланди, 55 та объектада ишлар якунланди, яна 152 та объек-тда ишлар давом этмоқда.

Ушбу ишларни тизимлаштириш мақсадида 8 183 та маданий ме-рос объекти бўйича кадастр ҳуж-жатлари шакллантирилди. Ўдгор-ликларни қисқа муддатли ижарага бериш орқали 4 187 та тадбиркор-лик субъекти жалб этилиб, соҳа-вий жамғармага 27,9 миллиард сўм йўналтирилди. 2025 йилда 52 та объектага 152,9 миллиард сўм миқ-дориди маҳаллий ва хорижий ин-вестициялар жалб қилинди.

Ўзбекистонда Heritage Impact Assessment (HIA) – меросга таъсир-ни баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш Бухоро, Са-марқанд, Хива, Шахрисабз каби ноёб тарихий шаҳарлар ва Тошкен-тинг модернизм меъморичилигини жадал қўрилиш ҳамда инфратузил-ма ривож-и шароитида ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади.

ЧИҚИНДИЛАРДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тақдимотда чиқиндилардан энергия олиш бўйи-ча Сингапур, Жанубий Корея, Хитой компаниялари-нинг яна 5 та истиқболли инвестиция лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Уларнинг умумий қиймати 625 мил-лион доллар бўлиб, Қорақалпоғистон Республика-си, Жиззах, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоят-ларида амалга оширилиши назарда тутилган.

Ушбу лойиҳалар натижасида йилга 1,9 миллион тонна қаттиқ маший чiqинди қайта ишланиб, 635 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чи-қарилади. 500 та янги иш ўрни яратилиди, 158 мил-лион куб метр табиий газ иқтисод қилиниб, иссиқчи-да газлари ҳажми 316 минг тоннага камайтилариди.

Мутасаддилар полигонлардан ва чиқинди ёқиш за-водларини ташкил этиш ҳаражатлари, ер майдон-

меросни асраб-авайлаш соҳасида давлат сиёсатининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида Республи-ка “Хунарманд” уюшмаси Ўзбеки-стон Республикаси Маданий ме-рос агентлиги билан ҳамкорлик қилади.

Самарқандда «Ага Khan Trust for Culture» жамғармаси билан ҳамкорликда Бибиҳоним мажму-асини консервация ва реставра-ция қилиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Лойиҳа ма-даний мерос объектларига меъ-морий консервация, илмий ўрга-ниш ва реставрация ишларини бошқариш бўйича халқаро стан-дартларни жорий этишни назар-да тутди.

Лойиҳа доирасида ёдгорликни ҳўжжатлаштириш ва тадқиқ этиш, археологик ва муҳандислик текши-рувлари, материаллар таҳлили, кон-структив моделлаштириш ҳамда лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилади. Маҳаллий мутаассисларни тайёрлашга ало-ҳида эътибор қаратилади. Кейинги босқичларда асосий гўмбаз ва унга туташ иншоотларни консервация қилиш, ҳудудни ободонлаштириш ва музей экспозициясини яратиш кўзда тутилган.

Турли тарихий даврларда мам-лакатимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб тарихий ёдгорликлар, архео-логик ашёлар, нодир қўлёзмалар ва санъат асарларини тизимли из-лаш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва юр-тимизга қайтариш мақсадида Ўзбеки-стон Республикаси Президенти ҳўзурда маданий бойликларни ре-паратация қилиш бўйича комисси-яни шакллантиришга қарор қилин-ди.

Яқунда 2027-2035 йилларга мўлжалланган Маданий меросни ривожлантириш стратегияси бўйи-ча тақлифлар кўриб чиқилди. Унда маданий меросни рақамлаштириш, моддий ва номоддий меросни ас-раб-авайлаш, маданий бойликлар-ни репатриация қилиш, табиий ме-росни муҳофаза қилиш ва рестав-рацияни ривожлантириш дастурла-ри назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган тақлифларни такомиллаш-тириш ва уларнинг амалий ижро-сини таъминлаш бўйича топшириқ-лар берди.

ларига эҳтиёж, бюджет тушумлари ва экологик са-марадорлик бўйича таққослама таҳлилларни тақ-дим қилди. Хорижий тажриба асосида чиқиндилар-ни атроф-муҳитга минимал даражада таъсир қўсат-ган ҳолда ёқиш ва инвесторлар мажбуриятлари бўйича асосий шартлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни жадаллаштириш, инвесторлар учун зарур инфратузилма ва ташкилий шартлолларни яратиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда соҳада малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада “Green University”, Самарқанд давлат университети ва Қарши давлат университети би-лан ҳамкорликда чиқинди ёқиш заводлари учун 1 минг нафар мутахассисдан иборат кадрлар захи-расини шакллантириш вазифаси белгиланди.

Ў.а.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Истеъмолчига шахсан ёки ўз ваки-ли орқали товарнинг сифатини қўшимча равишда текширишда иштирок этиш, шунингдек, товарнинг сифатини ўз маблағла-ри ҳисобидан қўшимча равишда текширишни амалга ошириш ваколатлари берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонун истеъмол-чиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш-га ҳамда бозор иштирокчилари учун янада бар-қарор ва ишончли ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъ-қуллади.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикаси-нинг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексл-арига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишни янада қучайтиришга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун му-ҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат чегараларини муҳандислик жиҳатидан мустаҳ-камлаш, чегара қўшилларининг моддий-тех-ник базасини қучайтириш ҳамда миллий хав-фсизлиқни таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, трансмиллий жиноятчи-лиқнинг янги қўрилишлари, хусусан, давлат че-гараси орқали ерошти тоннелларини қуриш ва улардан ноконуний фойдаланиш ҳолатлари мавжуд қонунчилиқни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтиргани қайд этилди.

Муҳокама борасида 2016-2025 йиллар да-вомида давлат чегарасида 12 та ноконуний ерошти тоннели аниқлангани, улар орқали кат-та миқдордаги товар-моддий бойлиқлар, ва-люта қимматликлари ва бошқа товарларни мамлакатга яширин олиб киришга уринишлар қузтилганни таъкидланди. Бу каби ҳолатлар давлат чегараси дахлсизлиги, иқтисодий хав-фсизлик ва миллий манфаатларга жиддий таҳ-дид солиши қайд этилди.

Қонун билан Жиноят кодексиди давлат че-гараси орқали ероштида ноконуний тоннеллар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, улардан фойдаланиш, бундай фаолиятни таш-кил этиш ёки молиялаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Шунинг-дек, ана шундай ноконуний иншоотлардан фойдаланган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтганлик ёки контрабанда жиноятлари содир этганлик учун жавобгарлик чоралари қучайти-рилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда инсонпарварлик тамойили ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, биринчи марта ушбу турдаги қилмишни содир этган шахс ўз ихтиёри билан давлат органла-рига ноконуний тоннель ҳақида хабар берса ёки жиноятни фош этишга фаол қўмақлашса ҳамда унинг ҳаракатларида бошқа жиноят тар-киби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ давлат чегараси орқали ероштида ноконуний тоннел-лар қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғ-лиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳара-катларини Давлат хавфсизлик хизмати орган-лари терговчилари амалга ошириши белги-ланмоқда. Бу мазкур турдаги жиноятларни тез-кор аниқлаш ва самарали тергов қилиш имко-ниятларини янада кенгайтиради.

Муҳокама давомиди сенаторлар мазкур қонун давлат чегараси дахлсизлигини мустаҳ-камлаш, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, миллий ва иқтисодий хавфсизлиқни таъмин-лаш ҳамда мамлакатимизда тинчлик ва барқ-арорликни янада мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини таъкид-ладилар.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Бундан ташқари, Сенатнинг ялпи мажлиси-да “Ўзбекистон Республикаси Миллий гар-дияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда қонунийлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат хавфсиз-лигини мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бораси-да изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқ-да. Бу жараёнда Миллий гвардиянинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қурол-ли Қучлар билан ҳамкорлиги тобора кенгай-иб бормоқда.

2017 йилда ташкил этилган Миллий гар-диянинг ҳуқуқий мақоми 2020 йилда алоҳида қонун билан мустаҳкамланди. Кейинги йиллар-да эса унинг фаолиятига оид 20 дан ортқ қонун ҳамда 70 дан ортқ фармон ва қарор қабул қилиниб, янги вазифа ва ваколатлар белгиланди.

Шу билан бирга, амалиётда тўпланган таж-риба Миллий гвардиянинг вазифа ва ваколат-ларини замонавий талаблар асосида қайта қўриб чиқиш, тақоррланувчи нормаларни бар-тараф этиш ва ҳуқуқий бўшлиқларни тўлди-риш заруратини юзага келтирди.

Ушбу қонун ана шу мақсадларга қаратил-ган.

Қонун билан, аввало, Миллий гвардия органларининг асосий вазифалари қайта ти-зимлаштирилмоқда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш, қўриқлаш фао-лияти билан боғлиқ вазифалар бирлаштири-либ, оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича янги вазифа белгиланмоқда.



Ахмат МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Шунингдек, давлат объектлари, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, бошқа объектлар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш билан боғлиқ вазифалар амалдаги қонунчиликда белгиланган ваколат-лардан келиб чиқиб оптималлаштирилмоқда.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг фу-қаролар билан мулоқот қилиш тартиби аниқ белгилаб берилаётганидир.

Эндилкида ҳарбий хизматчи фуқарога му-рожаат қилганда ўз лавозими, ҳарбий унвони, фамилияси, исми ва отасининг исмини айти-ши, муурожаат қилишининг сабаби ва мақса-дини тушунтириши, фуқаронинг талабига қўра хизмат гувоҳномасини қўрсатиши шартлиги белгиланмоқда.

Яна бир муҳим янгилик – жамоат хавфсиз-лигини таъминлашда замонавий махсус воси-талардан фойдаланиш бўйича Миллий гар-диянинг ҳуқуқлари қонунчиликда аниқлашти-рилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу ўзгар-тишлар Миллий гвардиянинг вазифа ва вако-латларини аниқлаштириш, уларни амалдаги функцияларга мослаштириш, фуқаролар би-лан муносабатларда очилик ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг 19-ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ

тизимини янада эркинлаштириш, судларда иш ҳажмини ва ортиқча бюрократияни камайти-риш, одил судловга эришиш даражасини оши-риш ҳамда нотариат институтига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қонун билан Фуқаролик процессуал ва Икти-содий процессуал кодексларига, “Суд ҳужжат-лари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ҳамда “Давлат божи тўғри-сида”ги қонунларга низоосиз талаблар бўйича суд бўйруғини чиқариш доирасини қисқарти-ришни, нотариат фаолиятига ахборот-комму-никация технологияларини кенг татбиқ этишни ва нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларни мақбуллаштиришни назарда тутув-чи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодекси-га ўзгартиришлар киритилиб, қонуний қучга кир-ган суд ҳужжати устидан шикоят қилинганда унинг ижросини қокори инстанция судида тўхта-тиб туриш механизми такомиллаштирилмоқда.

Янги нормаларга қўра қонунда белгиланган мезонларга мос, БХМнинг минг бараваригача бўлган низоосиз талаблар бўйича нотариусга муурожаат қилиш имконияти кенгаймоқда. Бу орқали бундай талабларни суд тартибиди му-урожаат қилмасдан, нотариус орқали расмий-лаштириш ва ижрога қаратиш механизми сод-далаштирилди.

Шунингдек, нотариуслар томонидан расмий-лаштириладиган QR-кодди ижро ҳатларини электрон шаклда ижро органларига тўғридан-тўғри бориш имконияти яратилмоқда.

Бу ҳужжатларни қогоз шаклида тақдим этиш билан боғлиқ ортиқча жараёнларни қисқарти-ришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларида суд ҳужжатлари иж-росини тўхтатиб туриш асослари аниқлашти-рилмоқда.

Бунда ижрони тўхтатиб туришни сўраган шахс бундай чора қўрилмаса, қайтарма ижро-ни қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайд қилиб қўйиши мумкинлигини асослаши лозим бўлади.

Сенаторлар мазкур ўзгартишлар судлар иш юкламасини камайтириш, фуқаролар ва тад-биркорлик субъектларининг вақти ва харажат-ларини тежаш, низоосиз талабларни тезкор расмийлаштириш ҳамда ижро самарадорли-гини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида “Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги кон-венцияга киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ баённомаларни (Монреаль, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур баённомалар Халқаро фуқаро авиа-цияси ташкилотининг бошқарув ва эксперт орган-ларида аъзо давлатлар вакиллигини кенгайти-риш, қарор қабул қилиш жараёнида минтақавий манфаатларни янада мувозанатли ҳисобга олиш ҳамда ташкилотнинг институционал ва эксперт-лик салоҳиятини оширишга қаратилган.

Сенаторлар фикрича, конвенцияга киритил-ган ўзгартиришлар Ўзбекистоннинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти доирасидаги хал-қаро мажбуриятларини бажариш, ташкилот-да амалга оширилаётган институционал исло-хотларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Қонун Халқаро фуқаро авиацияси ташкило-тининг бошқарув органларига Ўзбекистон ва-килларини илгари суриш, минтақавий манфа-атларни ифодалаш ва мамлакатимизнинг хал-қаро авиация соҳасидаги иштирокини кенгай-тиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъ-қуллади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи қуни халқимиз ҳаётига бевосита дахлдор бўлган қонунлар ва муҳим масалалар муҳокамасига бағишланди. Хусусан, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки давлат чегараларни дахлсизлигини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

Муҳбиримиз сенаторларнинг қонунчиликка киритилаётган мазкур ўзгартиришлар сабаблари, уларнинг юртдошларимиз келгуси ҳаётидаги аҳамияти ҳаққидаги фикрларини ёзиб олди.

Мукаммал алифбо — миллат саводхонлиги мезони

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:

— Кейинги йилларда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги нуфу-зини мустаҳкамлаш борасида тизимли чоралар қўрилмоқда. Натижада унинг халқаро май-дондаги нуфузи тобора ортиб, хорижий мамлакатларда ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизи-қиш қучаймоқда.



Мана шундай шароитда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ва имло қоидаларини янада тако-миллаштириш зарурияти юзага келди.

Бугун тақлиф этилаётган ислохот шунчаки техник ўзгариш эмас. Бу — ўзбек тилининг табиятига, унинг сингармонизм (оҳангдошлик) қонуниятларига мос ке-ладиган, «бир товуш — бир ҳарф» лингвистик тамой-илига асосланган мукаммал алифбони қабул қилиш-дир.

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жо-рий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонунни иш-лаб чиқиш жараёнидаги илмий муҳокамаларда 1995 йилда қабул қилинган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги айрим ҳарфлар билан боғлиқ мурак-каблик ва ноқулайликлар илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Масалан, бугунги кунда биргина «О?» (ў) ва «G?» (ғ) ҳарфларини компьютерда ёзиш учун 6 та амалия бажариш талаб этилмоқда. Замонавий ахборот тех-нологиялари ушбу ҳарфлар қатнашган сўзларни ах-лит сўз сифатида қабул қилмаётгани. Натижада турли дастурлар ва лугатлар яратишда, умуман, ўзбек ти-лини рақамлаштиришда жиддий муаммолар юзага келмоқда.

Амалдаги ўзбек алифбоси компьютер клавиатура-лари, смартфонлар ва кидирув тизимлари (Google, Yandex) учун жуда ноқулай. Интернет кидирув тизим-лари «О» ёки «G» белгиларини турли кодларда ҳар хил қабул қилиб, ўзбек тилидаги маълумотларни тўлиқ индекслай олмапти.

Ёки «Сh» (ч) ва «Sh» (ш) ҳарфлари ўзбек тилида фаол товушлар ҳисобланиб, инглиз тилига нисбатан она тилимизда 3 — 5 баравар кўп учрайди. «Shoshilinch», «xushshaqshaq», «achchiqtoosh» каби сўзларни кетма-кет келадиган «Сh», «Sh» ҳарфлари орқали ёзишда ва ўқишда қийинчиликлар туғилияпти. Бу ҳарфлар имлода айрим чалмашиқларга ҳам са-баб бўлади. Масалан, «Ishoq» (Исҳоқ), «ashob» (асҳ-об) каби сўзларни «ишoқ», «ашoб» тарзида нотўғри ёзиш ва ўқиш ҳолатлари қузатилимоқда.

Шунингдек, амалдаги алифбода алоҳида ҳарф си-фатида берилган «Ng» сўз бошида келмагани ва ҳар-флар бирикмаси бўлгани учун уни алмағи таркиби-дан чиқариш мақсадига мувофиқ деб топилди. Айтиб ўтиш жоизки, қонун қабул қилинган, «Ng» ҳарфлар бирикмаси, унинг қўлланилиши ва ўқилиши имло қоидаларида асқ эттирилди.

Мазкур қонун лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини янада такомиллаш-тиришга ҳамда давлат тилини қўллаш ва рақамлаш-тириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Хусусан, янги яхлит ҳарфларнинг жорий этилиши дастурчиларимиз учун миллий клавиатураларни, мат-нини нутққа айлантирувчи (Text-to-Speech) СИ (суь-ий интеллект) моделларини яратишни уч баробар тезлаштиради. Янги алифбо халқаро ИСО (ISO) стан-дартларига тўлиқ мос келади ва фуқароларимизнинг ҳалқаро ҳўжжат юритишини енгиллаштириди.

Лотин ёзувидаги туркий тили давлатлар билан алифбовий яқинлик маданий, илмий ва иқтисодий алоқаларни қучайтиради, китоб алмашинуви ва тар-жима жараёнларини оsonлаштиради.

Қисқа айтганда, ушбу қонун — Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатлари йўлида қатъий эканлини қўрса-тади. Бу ислохот фақат бугунги кун учун эмас, балки

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЯНАДА ОСОНЛАШМОҚДА

Колаверса, “Лицензия” тизими орқали аризаларни кўриб чиқиш жараёнида талабгорнинг белгиланган талаб ва шартларга мослиги электрон маълумотлар асосида автоматик тарзда текшириладиган бўлди.

Депутатлар маъмурий тартиб-таомиллар, бюрократия, жарима, тўлов ҳамда йўғимларни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан ҳам қизиқди.

Вазирнинг қайд этишича, 2026 йил 1 мартдан бошлаб лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахсларга жарима қўлланилганда, уларнинг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби бекор қилинди. Шунингдек, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш жараёнида видео алоқа воситаларни ёрдамида талабгорларнинг лицензия ва рухсатнома талаб ҳамда шартларига мувофиқлигини масофадан туриб баҳолаш тартиби яратилди.

Давлат хизматларини кўрсатишда ва маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда 150 турдаги маълумот ҳамда ҳужжатларни талаб этиш бекор қилиниб, уларни давлат органлари ва ташкилотлардан “Рақамли ҳукумат” платформаси орқали мустакил равишда олиш йўлга қўйилди. Бу эса ортиқча ҳужжатбозликни камайтириб, давлат хизматларидан фойдаланишни янада осонлаштиради.

“Хукумат соати”да депутатлар томонидан лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш билан боғлиқ даъво аризаларини судларга “Лицензия” ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш, тadbиркорлик субъектларининг Ягона шахсий кабинетини яратиш, тadbиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларини янада соддалаштириш ва ортиқча талабларни қисқартириш бўйича қатор тақлиф ва мулоҳазалар белдирилди.

Шу билан бирга, депутатлар соҳа истиқболига доир қатор масалалар юзасидан вазирга саволлар билан мурожаат қилишди.

Хусусан, **ЎзлИдеП фракцияси** аъзолари “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тизимидадан фойдаланган тadbиркорлар сони ҳали ҳам камлигини таъкидлаб, бунинг сабаби нимада экани ва тadbиркорларнинг маъмур хизматдан фойдаланишига қандай омиллар тўсқинлик қилаётгани ҳақида сўради.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари янги талаблар жорий этилганда, тadbиркорларга аввал берилган лицензия, рухсатнома ва бошқа ҳужжатлар ўз кучида қолиши кафолатлангани, шунингдек, янги қоидалар сабаб тadbиркорларнинг аввалдан мавжуд ҳуқуқлари чекланиб қолмаслиги учун қандай чоралар кўрилатгани билан қизиқди.

“Адолат” СДП фракцияси вакиллари ахборот тизимидаги техник хатолар сабаб тadbиркорларга асоссиз равишда такрорий жарималар қўлланилаётган ҳолатлар бўйича савол берди. Хусусан, улар қанча шундай ҳолат аниқлангани, уларнинг нечтаси тadbиркорлар фойдасига ҳал этилгани ва бундай хатоларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилатгани ҳақида маълумот сўради.

ЎзХДП фракцияси вакиллари апелляция кенгашларини барча ҳудудда ташкил этиш ва тadbиркорларга судга мурожаат қилмасдан туриб ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш имконини берадиган давлат хизматлари турларини қўпайтириш бўйича қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қизиқди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари эса “сукут — розилик белгиси” тамойилини амалда ишлатиш учун давлат органларининг ахборот тизимларини бир-бирига тўлиқ улаш, тadbиркор мулкига чеклов ёки тақиқ қўйишдан олдин унинг қонунийлиги автоматик текширилишини таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилаётганини сўради.

Вазир кўтарилган барча саволларга батафсил тушунтириш бериб ўтди.

“Хукумат соати”да соҳа истиқболига қаратилган қатор тақлифлар берилиб, кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ — УСТУВОР МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси ййгилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан келиб чиқиб, қўмита олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Юртимизда кейинги йилларда аҳоли саломатлиги муҳофазаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳақми сўнгги йилларда 8 қаррадан зиёд оширилди. Ўтган даврда 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилди. Хусусий сектор учун яратилган имкониятлар натижасида тиббий хизматлар ҳажми 3 қарра ортди.

Ййгилишда давлатимиз раҳбарининг келгуси ўн йилликни мамлакатимиз учун миллий юксалиш даврига айлантириш мақсади билан боғлиқ вазифаларига алоҳида эътибор берилди. Бу борада инсон кадрини янада юксалтиришга қаратилган миллий дастурларни изчил амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, нутқда айтилган вазифалардан келиб чиқиб, қўмитанинг келгуси фаолияти бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Хусусан, иккинчи миллий дастур доирасида аҳолининг соғлом ва узоқ умр кўришини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, инсон саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни қўнуңчилик нутқига назаридан қўллаб-қувватлаш вазифаларига эътибор қаратилди.

Учинчи миллий дастур доирасида иқтисодиётни юқори технологиялар ва меҳнат унумдорлигига асосланган янги тараққиёт моделига ўтказиш жараёнида муносиб иш шaroитларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва инсон капиталини ривожлантириш масалалари қўмитанинг парламент назорати ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Раъно АСТАНАКУЛОВА, қўмита аъзоси:



— Давлатимиз раҳбари нутқида белгилаб берилган мақсад ва вазифалар ижроси парламент ва депутатлар зиммасига ҳам қатъи масъулият юклайди. Қонун ижодкорлиги ва таъсирчан парламент назорати орқали ислохотларнинг ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла ва энг муҳими, ҳар бир инсон ҳаётида амалий натижа беришига эришишимиз зарур. Зеро, миллий юксалишнинг асосий мезони — халқимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришлардир.

Ййгилишда Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг фаолияти ҳам атрофлиқ муҳокама қилинди. Депутатлар фонд томонидан 2026 йилнинг дастлабки етти ойида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг шу даврида фонда 4 430 та мурожаат тушган. Натижада 3 мингдан ортиқ болаларга тиббий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатилган. Мураккаб касаликлар ташхиси қўйилган 95 нафар бола хорижий клиникаларда даволанди ва юқори технологик жарроҳлик амалиётларидан ўтказилган.

Ҳудудларда маҳаллий ва хорижий юқори малакали мутахассислар иштирокида ташкил этилган тиббий акциялар доирасида эса 665 нафар болада турли мураккабликдаги жарроҳлик амалиётлари амалга оширилган. Шунингдек, 220 нафар бола ва уларнинг оилаларига манзилли моддий, ижтимоий ва маънавий қўмак кўрсатилган.

Ййгилишда тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган янги лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Яқунда кун тартибидagi масалалар юзасидан қўмита олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик — тараққиёт мезони

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда унинг ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг қўшма ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида белгилаб берилган долзарб вазифалар, хусусан, мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини қамраб олган етти та миллий дастурнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти муҳокама қилинди.

Унда “Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтириш” деб номланган еттинчи миллий дастур кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақияти умуммиллий бирдамлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитига таянмоқда. Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва эллар вакиллари ҳамда 16 та диний конфессия аъзолари тинчлик ва аҳилликда яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг очиқ, прагматик ва тинчликпарвар таъқи сиёсати мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётини таъминлаш ҳамда халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда аҳил қўшничилик, стратегик шериклик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришда муҳим натижаларга эришилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Америка, Осиё — Тинч океани минтақаси ва араб-мусулмон дунёси давлатлари билан муносабатлар изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимиз билан дипломатик муносабат ўрнатган давлатлар сони қарийб 170 тага етди, Шарқий Европа, Африка ва Лотин Америкасида янги ҳамкорлик йўналишлари очилаётгани Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Шерзод КУЛМАТОВ, қўмита аъзоси:



— Муҳокама давомида еттинчи миллий дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қўмитанинг келгусидаги фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олдик. Хусусан, ушбу дастурнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, қонун ижодкорлиги жараёнида тегишли ташаббусларни илгари суриш, парламент назорати механизмларидан самарали фойдаланиш, парламентлараро дўстлик гуруҳлари ишини янада жонлантириш ҳамда хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ййгилишда, шунингдек, қўмита ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг илмий-эксперт салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда таъқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг долзарб масалалари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, парламентлараро ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини белгилаш ҳамда халқаро алоқаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қўнуңчилик тақлифларини шакллантириш муҳим вазифалар сифатида қайд этилди.

Яқунда Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан биргаликда еттинчи миллий дастурда белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, аниқ ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмларини белгилаш ҳамда қўмита ва Жамоатчилик кенгашининг ҳамкорлиқдаги иш режасини шакллантиришга келишиб олинди.

Миллий юксалишнинг муҳим шарти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари томонидан “Сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартириш — миллий юксалишнинг муҳим шарти” мазмуида тadbир ўтказилди.

Қўмиталарнинг жамоатчилик кенгашлари аъзолари, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари, таҳлил марказлари ходимлари иштирок этган тadbирда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ва сув ҳўжалигини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сувни тежаш ҳамда экологик барқарорлиқни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланоқда.

Тadbирда Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси ўн йилликни миллий юксалиш даврига айлантиришга қаратилган етти та миллий дастур илгари сурилгани қайд этилди.

Муқаддас АҲМЕДОВА, депутат:



— Муҳим йўналишлардан бири бўлган тўртинчи миллий дастур бугунги кун нуктаи назаридан алоҳида стратегик аҳамиятга эга. Чўнки унда бевосита сув ва табиатга муносабатини тубдан ўзгартиришга қаратилган гоълар жамоатчиликнинг муҳим вазифаси ҳам қўйилди.

Шу маънода, тўртинчи миллий дастур сув ресурсларини асраш, қишлоқ ҳўжалигида ресурстежамкор технологияларни оммалаштириш, экологик муҳитни яхшилаш, яшил ҳудудларни қўпайтириш ва энг муҳими, жамиятда табиатга нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантиришни ягона мақсад атрофида бирлаштиради.

Муҳокамада Президентимиз илгари сурган сув ва табиатга муносабатини тубдан ўзгартиришга қаратилган тўртинчи миллий дастурнинг аҳамияти ҳамда мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорлиқни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг илмий, ҳуқуқий ва амалий механизмларини

такомиллаштириш, соҳадаги муаммоларни бевосита мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш ҳамда қўмиталар ва Жамоатчилик кенгашининг ҳамкорлиқдаги иш режасини шакллантиришга келишиб олинди.

Билим ва малака — мамлакат тараққиётининг асосий капитали

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ййгилишида Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ва уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди.

Мажлисда Президент нутқида илгари сурилган биринчи миллий дастур — билим ва малакани мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини таъминлайдиган асосий капиталга айлантириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, сўнгги ўн йил мобайнида таълим соҳасида амалга оширилган тизимли ислохотлар натижасида мактабга таълим қамрови 78 фоизга етказилди, умумтаълим мактабларида 1,5 млн. қўшимча ўқувчи ўрни яратилди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони 1 млн. 600 минг нафарга етгани ҳам ёшларнинг билим олишга бўлган интилиши ва олий маълумотга эга бўлиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайганидан далолат бермоқда. Айниқса, талабаларнинг ярмидан қўпни хотин-қизлар ташкил этаётгани мамлакатда таълим олиш учун тенг имкониятларни таъминлаш борасидаги ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири сифатида кўрсатилди.

Ййгилишда Президент нутқидagi биринчи миллий дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қўмита аъзолари томонидан соҳадаги зарур ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни парламент назорати орқали тизимли равишда ўрганиб бориш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, илгари сурилган ташаббусларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, давлат дастурлари ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш зарурлиги айтилди.

Депутатлар томонидан соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришда фуқаролар ва жамоатчиликнинг тақлифларини ўрганиб бориш ҳамда белгиланган мақсадларнинг натижадорлигини таъминлаш юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Васила ФАЙЗИЕВА, қўмита аъзоси:



— Миллий дастурнинг энг биринчи гоъси — билим ва малакани мамлакат келажакининг асосий капиталига айлантириш билан боғлиқ экани бежиз эмас. Чўнки бугун қай даражада билимли ва малакали авлодни тарбияласак, эртага мамлакатимиз тараққиёти ва рақобатбардошлиги ҳам шунга яраша бўлади. Шунинг учун таълимга йўналтирилган ресурсларни мамлакатнинг келажакига киритилаётган стратегик инвестиция сифатида баҳолашимиз керак. Бу жараёнда биз, депутатларнинг вазифаси яратилган имкониятларнинг амалдаги натижасини назорат қилиш, таълим сифатига тўсиқ бўлаётган муаммоларни қонунчилик орқали бартараф этишдан иборат.

Ййгилиш якунида Президент нутқида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, қўмита томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Сербия: АГРОСАНОАТ РИВОЖИДА СТРАТЕГИК БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Ризқ-рўз яратувчилар учун дастуриламал ҳужжат

Белградда имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами орасида “Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги ҳужжат ҳам бор. Бу қишлоқ ҳамда сув ҳўжалиги, аграр соҳани барқарор ривожлантириш, селекция ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Маъмур келишув икки мамлакат агросаноат маъмуиси учун стратегик ҳамда олий даражадаги амалий аҳамиятга эга. Ушбу битимнинг Ўзбекистон иқтисодиёти, аграр сектори ва озиқ-овқат хавфсизлиги учун муҳим жиҳатларига тўқналиш жоиз.

Аввало, Ўзбекистонга Сербиянинг юқори ҳосилдор уруғчилик технологияларини тўғридан-тўғри олиб кириш, уларни маҳаллийлаштириш ва синновдан ўтказиш имкони яратилади. Бу эса Ўзбекистонда чорвачилик учун озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни оширишга бевосита хизмат қилади.

Марказий Осиёда сув танқислиги ортиб бораётган бир шароитда Сербиянинг сув ресурсларини боқариш, тошқинларнинг олдини олиш ва томчиллатиб суғориш тизимлари бўйича тажрибаси нҳоятда қўл келади. Битим доирасида сув тежовчи технологияларни биргаликда жорий этиш, суғориш тармоқларини рақамлаштириш ва тупроқ намлигини автоматик назорат қилиш



бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилади. Натижада ҳар бир куб метр сувдан олинadиган ҳосилдорлик янада ортади.

Бундан ташқари, махсулотларни чўқур қайта ишлаш ва “совуқ занжир” (“Cold Chain”) ташкил этишда Сербия тажрибаси эътиборга сазовор. Мамлакат мевасазавот ва резаворларни шок усулида музлатиш (IQF), қайта ишлаш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Ўзбекистон эса ҳар йили миллионлаб тонна мевасазавот етиштиради, ammo уларни қайта ишлаш ҳамда сақлашдаги йўқотишлар ҳали ҳам юқори. Битим орқали Сербиянинг замонавий қайта ишлаш ва агрологистика технологияларини юртимизга қириб келади. Бу эса махсулотнинг сақланиш муддатини узайтиради ва қўйилган қийматга эга махсулот экспортини қўпайтиради.

Ҳужжатнинг алоҳида банди қишлоқ жойларни барқарор ривожлантиришга бағишланган. У деҳқон ҳамда кичик фермер ҳўжалиklarини кооперацияларга биравлаштириш, уларга агрохизматлар кўрсатиш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган.

Европа бозорларида чиқишда қўшмача енгилликлар

Сербияда қишлоқ туризми ва оилавий агробизнес ривожланган. Бу мо-

дель Ўзбекистон маҳаллаларида аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган сиёсатга тўлиқ мос келади. Юқорида қайд этилган ҳужжат икки мамлакат аграр олийгоҳлари ҳамда тадқиқот институтлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлиқни назарда тутуши билан ҳам эътиборга молик. Талабалар, профессорлар, ва олимлар ўртасида тажриба алмашинуви йўлга қўйилади. Ўзбекистон аграр сектори учун Европа стандартларига жавоб берадиган янги авлод селекционерлари, агрономлар ҳамда биотехнологлар тайёрланади.

Шу билан бирга, мамлакатларимиз агрокластерларининг қўшма корхоналари томонидан Сербияда ёки Ўзбекистонда қайта ишланган ва стандартлаштирилган махсулотлар Европа Иттифоқи бозорларига анча енгил ва имтиёзли шартларда қириб бориши мумкин.

Демак, ушбу битим шунчаки икки вазирлик ўртасидаги келишув эмас, балки Ўзбекистон аграр секторини модернизация қилиш, сув ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган стратегик ҳужжатдир. У сиёсий иродани муайян технологиялар, янги уруғ намуналари, агроинвестициялар ва юқори даромадли иш ўринларига айлантириш учун ҳуқуқий ҳамда институционал замин яратди.

Биз, Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари учун ушбу таширфда эришилган келишувлар қишлоқ ҳўжалиги илм-фани ва таълимини замонавий та-

лаблар асосида янги босқичга олиб чиқиш учун амалий дастуриламалдир.

Шу ўринда, нега айнан Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги учун гоът қизқарган ва ўрганишга арзийди, деган савол туғилиши мумкин.

Бунинг учун Сербия аграр тармогининг бугунги салоҳиятига назар ташлаш қиёфа. Болқон минтақасининг марказида жойлашган 6,5 млн. аҳолига эга Сербияда қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётининг таянч устунларидан бири саналади. Мамлакат иқтисодиёти фаол аҳолисининг қарийб 13 — 15 фоизи бевосита аграр секторда меҳнат қилади. Соҳанинг мамлакат ялпи ички махсулотидagi улуши қайта ишлаш саноати билан бирга 10 фоиздан зиёдни ташкил этади. Йилига ўртача 7-8 млн. тонна маккажўҳори, 3 млн. тоннадан ортиқ бугдой, салмокли миқдорда кунгабоқар ва соя етиштирадиган Сербия озиқ-овқат махсулотлари бўйича нафақат ўзини тўлиқ таъминлайдиган, балки соф экспортчи давлатдир.

Мамлакатнинг йиллик агросаноат экспорти 5 млрд. АҚШ долларидан ошади.

Илгор тажриба ва инновацион ёндашув

Мамлакатимизнинг тупроқ-иклим шароитлари ва иқлим ўзгариши оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, биз сербиялик ҳамкасбларимиздан муайян йўналишларда илгор тажрибаларни ўзлаштиришимиз мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, Сербиянинг Нови-Сад дала мазҳуру. Улар яратган кунгабоқар, маккажўҳори, соя ва бугдой дурағайлари Ер юзининг 30 дан ортиқ давлатларида муваффақиятли экилади. Биз учун қурғоқчиликка ҳамда иссиққа чидамли, кам сув талаб қиладиган экин навлари ҳамда юқори мойли кунгабоқар дурағайларини олиб келиш ва уларни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Колаверса, Сербияда кичик майдонларда интенсив мевачиликни (айниқса, резавор мевалар — малина, қорағат, қулупнай, шунингдек, гилос ва олма) юқори даромадли бизнесга айлантириш тизими мукамал йўлга қўйилган. Улар махсулотни шунчаки сотмайди, балки даланинг ўзида чўқур шок-музлатиш (“IQF технологияси”), сублимация ва қайта ишлаш орқали қўйилган қиймат яратиб, тўғридан-тўғри Европа Иттифоқи ва АҚШ супермаркетларига етказиб беради. Ушбу занжир Ўзбекистондаги агрокластерлар ва деҳқон ҳўжаликлари учун тайёр модель бўла олади.

Сербия тажрибасида кичик фермер ҳўжаликлари кластерлар ва кооперативларга биравлашиб, ягона логистика, суғурта ва экспорт тармоғидан фойдаланади. Бундан ташқари, “ақли” қишлоқ ҳўжалиги (Smart Agriculture), сунвий йўлдош орқали экин ҳолатини мониторинг қилиш ва тупроқ намлигини автоматик боқариш технологиялари кенг жорий этилган.

Белграддаги музокараларда Нови-Сад университети ҳамда Белград университети билан академик ҳамда илмий алоқаларни йўлга қўйиш масалалари кун тартибига қўйилгани бежиз эмас. Зеро, замонавий қишлоқ ҳўжалиги фақатгина илм ҳамда инновациялар билан ривожланади. Ушбу тарихий келишувлар ижроси доирасида Тошкент давлат аграр университети Сербиянинг етакчи университетлари билан бирга селекция, биотехнология, уруғчилик ва аграр логистика бўйича “2+2” ва магистратура дастурларини, қўшма таълим дастурлари ҳамда академик алмашинуви йўлга қўйиш каби бир қатор амалий ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишга киришмоқда.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг Сербияга таширфи нафақат сиёсий ва савдо-иқтисодий жиҳатдан, балки мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тармоғини модернизация қилишда ҳам стратегик бурилиш нуқтаси бўлди. Олдимизда турган асосий мақсад эришилган ҳар бир келишувни илмий лойиҳаларга, юқори ҳосил берадиган уруғларга, инновацион агротехнологияларга ҳамда халқаро тоғфодаги билимли мутахассисларга айлантиришдан иборат. Университетимиз жамоаси ушбу масъулиятли ва истиқболли йўлда бор билим ҳамда илмий салоҳиятини сафарбар этишга тайёр.

Нарзулло ОБЛОМУРАДОВ, Тошкент давлат аграр университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Эндиликда юртимизда қўп квартиралы уйлarning биринчи қаватидаги хонадонларни ногураржой тоифасига ўтказ



ЎЗБЕКИСТОН АНОРЧИЛИГИНИНГ МАЛИКАСИ

Кува туманидаги Толмозор қишлоғида туғилиб ўсган Мастурахон Сайфутдинова 50 йилдирки, анорчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шу йиллар давомида бу тансиқ мевани нафақат ички бозор, балки хорижга экспорт қилишда ҳам катта тажриба тўплади. Элу юрт тўкинчилиги йўлида фидойилик кўрсатаётган бу шижоатли аёлни ҳақли равишда Ўзбекистон анорчилигининг маликаси, десак, муболага бўлмайди.

Омилкорлик

руми доирасида ҳамюртимизни тантанали равишда мукофотлаш маросими ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

— Бир неча кундан буён хонадонимиздан меҳмонлар қадами узилгани йўқ, — дейди М. Сайфутдинова. — Бундай эътибор ва рағбатдан, қолаверса, кун кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева номидан табрик хати келгани, халқ депутатлари Фарғона вилояти ҳамда Кува тумани Кенгаши депутатлари, вилоятдан сайланган сенаторлар бевосита хонадонимизга келиб, қутлаб кетишганидан бошим кўкка етди. Юксак эътибор вилоят Кенгаши депутати сифатида мени янада фаолликка ундайди.

Айни пайтда Мастурахон опа раҳбарлигидаги “Кува анори” кластерида 1000 гектардан ортиқ ҳамда “Фарғона анорчилиги” агрофирмасида 300 гектардан кўпроқ



анорзорларда ҳосил болга тўлиб етилмоқда. Табиийки, Мастура опа ҳар бир анор донасини дуру гавҳар, марварид ва маржонларга қиёслайди. Зеро, бу мева дастурхонларимизни тўкин қилиши билан бирга мамлакатимиз экспорт саноҳиятини юксалтиришда муносиб ўринга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи давомида ушбу боғларда бўлиб, Кува анорчилигини илм-фан ютуклари асосида ривожлантириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Шу тариқа кейинги йилларда деярли заволга юз тутаетган анорчилик тармоғига, таъбир жоиз бўлса, иккинчи умр бахш этилди. Яқин йилларга асоратли анор асосан ҳамдўстлик давлатларида экспорт қилинган бўлса, бугунги кунда дармондориларга бой ушбу мева Осиё, Европа қитъаси, ҳатто океан орти мамлакатлари — АҚШда ҳам маълум ва машҳур бўлиб улғурди.

— Сўнгги йилларда мазкур рағбат туфайли анорчилик тармоғида илм-фан, инновация ғоялари асосида деҳқончилик қилиш маданияти юксалди, — дейди Мастура Сайфутдинова. — Бу ютуклардан руҳланган ҳолда Ўзбекистон анорчилиги ҳақида ёзилган китоб муаллифларидан бири бўлдим. Бугунги

кунда ўнга яқин ёш олимлар анорчилик соҳасида илмий изланишлар олиб борапти.

Қувалик ёш олим Хусниддин Самиев анорнинг турли касалликларига қарши фойдали хусусиятлари мавзусида тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда илмий изланишларини якунига етказиб, фалсафа доктори PhDлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Айни жараёнда Тошкент давлат аграр университети ҳамда Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчилари, мустақил тадқиқотчилар томонидан данаксиз, маҳаллий иқлим шароитига мос ва экспортбоп анор навларини кўпайтириш устида олиб борилаётган илмий изланишлар эътиборга молик.

Илмий-амалий ҳамкорлик натижасида Фарғона вилоятида “Қаюм”, “Озарбайжон ширин”, “Олтиариқ аччиқ” каби анор навларидан мўл ҳосил етиштириш имкониятлари яхшиланди. Ўз навбатида, Мастурахон опа мамлакатимиз бўйлаб, хусусан, Сурхондарёда Дашнобод анори шухратини тиклаш ишларида ҳам бош-қош бўлмоқда. Зотан, дунёда эътироф этилган машҳур анори Мастура Сайфутдинованинг ибратли фаолияти бугунги ёш тадбиркорлар учун ҳар жиҳатдан намуна қилиб кўрсатишга аргизуликдир.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»)

РЕКЛАМА

XALQARO NORDIK UNIVERSITETI
OLIV O'QUVDAN KEYINGI TA'LIM
BOSQICHLARIGA 2027-YIL
UCHUN TAYANCH
DOKTORANTURA UCHUN

QABUL E'LO'N QILADI

№	Ixtisoslik		PhD
	Shifri	Nomi	
1.	08.00.03	Sanoat iqtisodiyoti	1
2.	08.00.07	Moliya, pul muomalasi va kredit	1
3.	08.00.13	Menejment	1
4.	13.00.02	Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (sohalar bo'yicha)	3

Tayanch doktorantura hamda mustaqil izlanuvchilikka kirishni xohlovchilar Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 22-maydagi 304-sonli qarori ilovasida ko'rsatilgan Nizom talablariga javob berishi va qabul komissiyasiga quyidagi hujjatlarni elektron tarzda «daraja.ilmii.uz» platformasi orqali taqdim etishlari kerak:

- rektor nomiga ariza;
- qisqacha biografiyali ma'lumot (ob'yektivka);
- oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomi, oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari;
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadilar;
- til bo'yicha milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat;
- ish joyidan tavsifnoma (mustaqil izlanuvchilar uchun).

Hujjatlar **2026-yil 15-sentabrdan 15-oktyabrga qadar** «<https://daraja.ilmii.uz>» sayti orqali onlayn qabul qilinadi. Tayanch doktorantura hamda mustaqil izlanuvchilik uchun kirish imtihonlari **2026-yil 1 — 25-noyabr** kunlari o'tkaziladi. Tayanch doktorantura va mustaqil izlanuvchilikda o'qish uchun talabgorlar mutaxassislik bo'yicha kirish imtihonlarini topshiradilar.

Murojaat uchun manzil:
100096, Toshkent shahri, Sebzor ko'chasi, 22-«A» uy.

Tel: +998 55 508 44 00

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК»:

ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ



Юртимизда ёшлар учун қўшимча иш ўринларини яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида бизнес лойиҳалари банкларнинг имтиёзли кредитлари орқали қўллаб-қувватланмоқда.



“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ҳам ёшларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш учун ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 1 июндаги “Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига асосан “Ўзмиллийбанк”

ҳамда “Келажак тадбиркори” лойиҳаси доирасида ёш хотин-қизларнинг истиқболли бизнес лойиҳалари имтиёзли шартларда молиялаштирилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва кенгайтириши учун зарур молиявий кўмаклар кўрсатилмоқда.

Жорий йил бошидан буён биргина “Келажакка қадам” дастури доирасида 2 843 нафар хотин-қизга 116,7 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар бе-

фар доимий иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Бугунги кунда ёшлар тадбиркор томонидан ташкил этилган “IRN OLYMPIADS” халқаро таълим платформаси орқали 50 га яқин давлатлар иштирок этадиган фан олимпиадалари қўллаб-қувватланмоқда. Унга 10 мингдан зиёд ўқувчилар қамраб олинган. Жорий йилда Буюк Британия ва Японияда ўтказиладиган халқаро олимпиадалар учун 130 нафар иқтидорли ёш тайёргарлик кўрапти.

Яна бир муваффақиятли лойиҳа муаллифи — Асида Маменова. У “Келажак тадбиркори” лойиҳаси иштирокчиси сифатида “Ўзмиллийбанк” АЖдан 1 млрд. сўм имтиёзли кредит олиб, Тошкент вилоятида “JUMABOZOR OMAD NURISLOM” МЧЖ қошида замонавий автомактаб фаолиятини йўлга қўйди. Лойиҳа доирасида учта иш ўрни яратиб, аҳолига сифатли ҳайдовчилик таълими хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Молиялаштирилган лойиҳалар орасида таълим, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан амалга оширилаётган “Келажакка қадам” дастури ва “Келажак тадбиркори” лойиҳаси юзлаб ёшларнинг бизнес ғояларини ҳаёtgа татбиқ этиш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши ва иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзмиллийбанк» АЖ
Матбуот хизмати.



АЖ томонидан олий таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Келажакка қадам” дастури бўйича “Келажак тадбиркори” лойиҳаси амалга оширилиши белгиланди.

Унинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзмиллийбанк” томонидан “Келажакка қадам” дастури

рилди. Бунинг натижасида 3 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

Шундай ёш тадбиркорлардан бири — Икболой Раззоқова 330 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан “IRN AKADEMIYASI” ўқув маркази ташкил этди. Бугунги кунда марказнинг Навоий вилоятида битта ва Тошкент шаҳрида учта филиали фаолият кўрсатмоқда. Лойиҳа доирасида тадбиркор томонидан 40 на-



Шахмат: СИНДОРОВ ЖАМОАСИ ПЕШҚАДАМ

Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида шахмат бўйича ўтказиладиган “Tech Mahindra Global Chess League” турнирининг навбатдаги кунда ҳамюртимиз Жаҳоир Синдоров етакчилигидаги “FYERS American Gambits” жамоаси “Triveni Continental Kings” жамоаси билан куч синашди.



Ушбу қарама-қаршилик ўйинларида деярли барча учрашувда муроса йўли танланган бўлса, Жаҳоир Франциялик Алиреза Фиружани мағлуб этиши натижасида “FYERS American Gambits” шахматчилари 8:5 ҳисобида ғалабага эришди. Кечаги тур учрашувлари олдида Ж. Синдоров жа-

моаси 12 очко билан қўшимча кўрсаткичларга кўра, пешқадамликни давом эттирмоқда.

ФИДЕ рейтингни етакчиси Магнус Карlsen бошчилигидаги “Alpine Arl Pipers” ва Ян Непомняший сардорлигидаги “Ganges Grandmasters” жамоалари 12 очко билан кейинги погоналарни банд қилган.

Мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ долларидан иборат айланма тизимда ўтаётган мусобақалар 13 сентябрда якунланади.

Дзюдо: «КАТТА ДУБУЛФА» ТУРНИРИ

11 — 13 сентябрь кунлари Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида дзюдо бўйича навбатдаги “Катта дубулфа” туркумига кирувчи “Hungary Grand Slam — 2026” мусобақаси бўлиб ўтади. Дунёнинг 70 мамлакатидан 500 нафардан зиёд спортчилар курашадиган мазкур турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам қатнашади.



Нуфузли мусобақада Искандар Расулов ва Азиз Тошматов мураббийлигидаги 6 нафар дзюдочимиз совринли ўринларга даввогарлик қилади. Хусусан, терма жамоамиз аъзолари Достон Рўзиев (-60 кг.), Элбек Тожиёв (-73 кг.), Муроджон Йўлдошев (-81 кг.), Севин Муродова (-48 кг.), Муҳайё Аҳмадова (-52 кг.), Маржона Кўчимова (-78 кг.) ўз вазн тоифаларида совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

Дастурга мувофиқ, биринчи кунги баҳсларда эркеклар 60, 66 килограммгача, дзюдочилар эса 48, 52 ва 57 килограммгача оғирликдаги беллашувларда иштирок этади.

Таэквондо: ҲАМЮРТМИЗ НОМЗОДИ ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, Осиё олимпия кенгаши томонидан ташкилотнинг Атлетлар комиссияси таркибига сайланиш учун номзодлар эълон қилинди.



Унда таэквондо WT бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, “Ханчжоу — 2022” Осиё ўйинлари совриндори Жасурбек Жайсунов Марказий Осиё минтақасидан номзодлар қаторида қайд этилган. Унинг рақиблири “Париж — 2024” Олимпия ўйинлари иштирокчиси, қозғис-тонлик Амир Маймуратов ҳамда эронлик таэквондочси, Олимпиада чемпиони Ариан Салими бўлади.

Овоз бериш жараёни “Анчи-Нагоя — 2026” Осиё ўйинлари мобайнида, 20 сентябрдан 2 октябрга қадар Японияда бўлиб ўтади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»)

2030 йилгача мамлакатимизда электротехника ва унга ёндош саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини 11 млрд. доллар, экспортни 5 млрд. долларга етказиш, 3 млрд. доллар инвестиция жалб қилиш кўзда тутилган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғос бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатги маълумотларини қўллаб қўллаш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлағмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиш — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.37 Тошпирилди — 23.48 1 2 3 4 5 6